Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
13 IYUL
SHANBA
№ 87 (26.946)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ РАМЗИ

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўзбек кураши бугун жаҳон миқёсида кенг оммалашиб, довруғи оламга таралмоқда. Миллий спортимизнинг бу ажойиб намунаси нуфузли халқаро турнир ва чемпионатлардан муносиб ўрин олмоқда.

Асрий анъаналарни ўзида мужассам этган ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган кураш ўзининг адолатли тартиб-қоидалари, ноёб усулларининг бетакрорлиги билан кўплаб халқларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлаётгани, «ҳалол», «ёнбош», «чала» каби ўзбек сўзларининг турли миллатлар тилида жаранглаётгани барчамизни бағоят қувонтиради. Қолаверса, курашнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи нафақат Ўзбекистонимиз, балки Шарқ халқлари учун ҳам фахрли ҳодисадир.

Яқинда Осиё ва Африка қитъаларида кураш бўйича бўлиб ўтган навбатдаги чемпионатлар ҳам халқимизнинг азалий спорт санъати умуминсоний қадриятга айланганидан далолат беради. Айниқса, Африканинг иккинчи қитъа чемпионатида аёллар баҳси барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу эса жаҳон майдонига чиққан ўзбек курашининг имкониятлари янада чексиз эканини англатади.

Шуни айтиш керакки, кейинги уч йил ичида дунёдаги эллик олти мамлакатда кураш федерациялари ташкил топди. Спортнинг бу тури хусусан АҚШ, Англия, Япония, Австралия, Канада, Бразилия ва Ҳиндистонда кенг оммалашди.

Дунёнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган кураш бўйича анъанавий Осиё, Европа ва жаҳон чемпионатлари спорт оламида янги саҳифалар очибгина қолмай, ноёб истеъдод соҳиби бўлган кўплаб полвонларни рўёбга чиқармоқда.

Жаҳон чемпионатларида очиқ чеҳрали полвонларнинг ўзбекона таъзим билан гиламга чиқиб келиши, мутахассисларнинг яқин келажакда кураш Олимпия ўйинлари таркибига киришига ишонч билдириши ҳам кураш спортнинг севимли ва оммабоп тури бўлиш билан бирга умуминсоний дўстлик тимсолига айланиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунда Осиё, Европа, Америка ва Африка қитъаларида кураш конфедерациялари изчил фаолият юритмоқда.

Яқинда Кураш халқаро ассоциацияси ижроия қўмитаси халқаро Олимпия ҳаракати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек курашини жаҳон миқёсида янада оммалаштириш ва мавқеини ошириш, яқин келажакда унинг Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олишига эришишдек эзгу мақсад билан ўзининг олий мукофоти — Кураш халқаро ассоциацияси олтин орденини таъсис этди.

Низомга кўра, мазкур юксак мукофот билан ушбу спорт турининг дунё миқёсида оммалашувида алоҳида хизмат кўрсатган давлат арбоблари, кураш фидойилари тақдирланади.

Кураш халқаро ассоциациясининг вице-президенти, Америка қитъаси кураш конфедерацияси президенти жаноб Эдгар Клауренинг таклифига биноан ассоциация ижроия қўмитаси ўзбек курашини халқаро миқёсда ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун бу олий мукофот билан биринчи бўлиб Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу муносабат билан Кураш халқаро ассоциацияси ижроия қўмитаси томонидан Президент Ислом Каримов номига йўлланган мактубда, жумладан, шундай дейилади:

«Сизнинг бевосита эътиборингиз ва ёрдамингиз билан ўтган уч йил мобайнида Кураш халқаро ассоциацияси кенг кўламдаги мустақил халқаро спорт ташкилотига айланди, кураш қисқа вақт ичида ҳайратланарли даражада оммалашиб, бутун дунёда янги халқаро спорт тури сифатида эътироф этилди».

Давлатимиз раҳбарининг бу юксак мукофот билан тақдирланиши мамлакатимизда спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

■ (ЎзА)

ОЗОДЛИК — ИНСОНДАЙ ЯШАМОҚ ДЕГАНИ

Тобе, ўзганинг зуғумига бош эгиб яшаган халқнинг ҳаёт саҳнасида на ўрни, на мавқеи бўлади. Келажаги зимистонлик қаърида чўкиб ётади. Елкасини тоғдай босиб, эзиб турган эрксизлик жабридан қутулиш учун курашиб, озодликка чиққан миллатнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, тафаккурига ҳам кенглик ва ёруғлик инади.

Таниқли ижодкор, истибдод даврида ёниқ чиқишлар билан биз ёшларга йўл кўрсатган Устоз:

— Бир бурда нон еб, бир коса ёвғон шўрва ичиб яшасанг ҳам ўлмайсан... Бироқ, фақат қорин ғамидаги қулнинг ҳаётини ҳаёт деб бўладими? Зиёли одам, айниқса, қалам аҳли ўз халқини уйғотишга масъул ва маҳкум. Куни кечаги тарих: Озодлик, Миллат истиқлоли ҳақида куйлаганлар жазо, қамоқ, ҳатто ўлимга маҳкум этилди. Яна бир даҳшатли томони, шўро ўз мафкурасини нечоғлик кўкка кўтариб мақтамасин, эрксевар халқлар бўғзидан бўғишга тайёр эди. Ўша даврда матбуотда чоп этилган даҳшатли бир мақола юрак-бағримни ўртаб юборганди. Россиянинг қайсидир шаҳарларидаги ўқ ишлаб чиқариш заводида ишлаётган ота режани ортиғи билан бажаради — мўлжалдагидан кўп ўқ ясайди. Унинг ўғли шўронинг ёлғон сиёсати туфайли Афғонистонда жанг қиларди. Ўғил ўққа учди. Ота қон йиғлади. Зор қақшади. Зуғумгир тузумга қарата нола қилди: «Ўғлимни ўзим ўлдирдим. Ўша ортиқча ясалган ўқнинг бири ўғлимнинг кўксига қадалди. Биз оталар ўқ ясашга муккамиздан кетганимиз учун ҳам фарзандларимиз қурбон бўлаяпти», дея фиғони фалакни тутди. Мана, ўша тузум ҳақидаги ҳақиқат. Ўша мафкура ҳар қандай жойда уруш оловини ёқиши мумкин эди. Халқлар орасига низо-нифоқ солиб, озодликка талпинган миллатлар бошига кулфат, азоб-уқубат ёғдиришнинг турли йўлларини излаб топарди.

Озодлик — ўз тинчлигинг, келажагинг ҳаётини асраб қолиш демакдир.

Озодлик — энг муҳими, инсон бўлиб, инсондай яшашдир.

Ковун полизи. Чайла. (Чайла ирганагига ўроқ санчилган. Ўчоқ. Човгумда чой қайнаяпти. Чайла соясида иккимиз... Ям-яшил далада Ҳизр бобо оралаб ўтган — ҳосил бўлиқ. Тарвуз, ковун, ерёнғоқ, қуёшга қараб чарақлаб кулган кунгабоқар-зордан ер яшнаган). Етмиш беш ёшли Ҳотам ота:

— Шундай де, болам, — ўсмоқчилайди чол. Чиндан ҳам бу йил баракали келди. Лалмидаги ғаллазор ҳам одам бўйи бўлди. Омборлар ғаллага тўлди. Бизнинг қишлоқларда камида ҳар бир уйда бир тоннадан ғалла бор. Томорқасидаги буғдойи бароридан келган халқнинг кўнгли хотиржам, болам. Боғдаги шиғил-шиғил мевалардан дов-дарахтнинг бели букилди. Деҳқоннинг, чорвадор-чўлиқнинг қувонгани бор гап.

Қийинчилик бошимдан ўтган. Урушнинг оғир йиллари янтоқ баргига тушган шакарни қоқиб еб, кун кўрганмиз. Оч-наҳорлик авж олиб, кўпчиликнинг очликдан шишиб ўлгани ҳам ҳақиқат... Болам, бу кунлар хосиятли кунлар. Бугуннинг қадрига етмаслик нонкўрлик, нодонликдан бошқа эмас. Тўқликка шўхлик қилганни ризқнинг уволи тутади.

Хўш, яна айтсам, тинч-тотувлик, элнинг эмин-эркинлиги ҳам беҳисоб давлат, аслида. Магарам, юртда нотинчлик бўлса, бир бурда нонни ҳам ҳузур билан еёлмайсан, томоғингдан сув ўтмайди. Элнинг истиқлоли — тинчлиги, усти бутлиги, қорни тўқлиги, тўй-томошаси кўплиги, дунёнинг мана ман деган давлатлари юртимиз билан салом-алик қилиб турганида деб тушунаман. Оддий мисол: Худога шукр, мустақиллликдан сўнг туманларимиз, ҳатто қишлоқларимизда ҳам заводлар, фабрикалар қурила бошлади. Мен ҳам раҳбар бўлиб ишлаганман, илгари товуқ катак қураман десанг ҳам, ҳу-ув узоқнинг рухсати керак эди.

Тиним билмай ишладим... Кечани тонгга уладим. Эвазига шўрочилардан «Муттаҳамсан...», деган тана эшитдим. «Пахта иши» деган тўполон боис ноҳақдан олти ой жабр кўрдим.

Ҳа, болам озодлик эвазига елкамга офтоб тегди, десам ишонарсан.

Бутун бир халқ энди кун кўрди... Буни тушунганнинг садағаси кетсанг арзийди. Яна бир гап: ана, чайланинг бурчига илиб қўйибман. Ана, икки энлик хат. Жиянинг Сардордан келган. Америкада ўқияпти. Мустақиллик оддий ўзбек халқи учун дунёни кўриш, жаҳонни кезиш, ер юзини таниш имконини берди, болам.

— Гапингиз тўғри ота, сиз ҳақсиз!

■ Қўчқор НОРҚОБИЛ

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЭЪТИБОР

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собиров бошқарган мазкур йиғилишда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги ижроси борасидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда мамлакат адлия идоралари томонидан, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилаётгани таъкидланди.

Қонунларни ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тарғиб-ташвиқ этиш, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳар бир шахсда қонунга риоя этиш туйғусини шакллантириш мақсадида маҳаллаларда, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ўқув юртларида мунтазам равишда давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил қилиняпти.

Ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларида ҳуқуқшунослик фанларидан дарс берувчи мингга яқин ўқитувчи Тошкент давлат юридик институтида, 2 минг 300 дан ортиқ мутахассис эса Республика юристлар малакасини ошириш марказида махсус дастур бўйича таҳсил олди. Юридик фанини ривожлантириш, ҳуқуқ соҳасидаги энг муҳим ва энг долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш борасида талай тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, йиғилишда бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

■ (ЎзА)

АНЖУМАН

ТАРҒИБОТНИНГ КУЧИ — ҲАҚҚОНИЙЛИКДА

Ҳозирги босқичда маънавий-маърифий тарғиботнинг ўрни беқиёс катта. Битта билимдон, илмли тарғиботчи ўнлаб-юзлаб одамларнинг онгига, маънавияти ва мафкурасига таъсир кўрсатиши, тафаккурини бойитиши мумкин. Бироқ минг-минглаб, миллионлаб кишилар маънавиятини бойитиш, тафаккурини ўзгартириш ҳақида гап кетганда, бу вазифани матбуот ва тарғиботнинг бошқа воситалари кўмагисиз бажариш маҳол. Шунинг учун қимматли тажрибаларни кенг ёйиш, янги усулларни излаб топиш, масалага ижодий ёндашув маънавий-маърифий тарғибот ишларини янги поғонага кўтаришнинг муҳим шартларидир.

Кеча республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Файласуфлар миллий жамияти билан ҳамкорликда ўтказган «Маънавий-маърифий тарғиботнинг долзарб вазифалари» мавзуидаги давра суҳбатида ана шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Давра суҳбатини республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби Аслиддин Болиев бошқарди ва сўзга чиққан нотиқлар жамиятимиз маънавий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришларни эътироф этган ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга ҳам эътиборни қаратдилар. Жозибали ғоялар билан суғорилган, истиқлол мафкурасига хизмат қилувчи маънавият сарчашмалари тор доираларда қолиб кетмаслиги, уни ихтиёримиздаги барча воситалар ёрдамида кишилар онгига, хусусан ёшлар шуурига етказиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланди.

Бизнинг орзуимиз — келажаги буюк давлат қуриш. Модомики шундай экан, бу улуғ ниятни маънавияти юксак одамларгина рўёбга чиқарадилар.

■ Норбобо ШАКАРОВ

«ҒАЛЛА — 2002»

НАВОИЙ: ШАРТНОМАВИЙ РЕЖА БАЖАРИЛДИ!

39 минг гектар майдонда деҳқончилик қилишган вилоят миришкорлари 156 минг тонна сара дон йиғиб олиб, йиллик шартномавий режаларини уддалашди. Бунинг қарийб 90 минг тоннаси давлатга сотилди. Эришилган муваффақиятга Конимех, Қизилтепа, Навоий, Навбаҳор, Хатирчи туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Қувончлиси, аксарият хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 55-60 центнерга етди. Навоий туманидаги Нодир Раҳимов номли, «Ўзбекистон», «Хазора», Қизилтепа туманининг «Варозун», «Деҳқонобод», Навбаҳор туманининг Алишер Навоий номли, «Янгиқўрғон», «Истиқлол» ширкат хўжаликлари бу борада пешқадамлик қилдилар.

Айни кезда вилоят далаларида ғалласи ўриб олинган майдонлар сифатли шудгор қилиниб, такрорий экинлар экилмоқда.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мамлакатимиз олтин бошоқ ижодкорлари давлатга 2 миллион 800 минг тонна сара дон топшириб, шартномавий режани муваффақиятли адо этдилар.

Ялпи ўриб-янчиб олинган дон хирмони эса 4 миллион тоннадан ошиб кетди

СИРДАРЁ: ҒАЛЛАКОРЛАР МАРРАДА!

Сирдарё вилояти ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 186,5 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, шартномавий режаларини бажардилар.

Боёвут тумани ғаллакорлари бу йил юқори ҳосилдорликка эришиб, хирмонга 24 минг 310 тонна ўрнига 28,5 минг тоннага яқин дон тўкиб пешқадамлик қилдилар. Сайхунобод, Сирдарё, Ш. Рашидов туманлари ғаллакорлари ҳам ҳозиргача шартномавий режада белгиланганидан 3-4 минг тоннадан кўп ғалла етиштирдилар. Лекин ҳосил ҳали мўл, ўрим давом этмоқда.

Шунингдек, бу йил вилоятда юзлаб фермер ва оила пудрати аъзолари ҳар гектар ердан 60-65 центнердан ҳосил кўтариб, мамлакат мустақиллигининг 11 йиллик тўйига муносиб меҳнат совғалари ҳозирладилар.

■ Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ҚОНУНДАН ЧЕКИНИШ ҚОНУНБУЗАРЛИК ҲИСОБЛАНАДИ

ЁКИ «ҚАМАШИ-98» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДАГИ АМАЛ ТАЛАШУВЛАР ҲАҚИДА

— Шу йилнинг 24 июнь куни раҳбаримиз ғалла ташиётган машиналардан хабар олгани кетганди, — дейди «Қамаши-98» акциядорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи Зулайҳо Худойбердиева. — Камолов Равшан, Расулова Нигора, Очилов Холмурод, Маҳматқулова Нозик, Ҳамроев Ғайрат, Бобоқулов Жалил раҳбаримизнинг ишхонасига кириб олишди. Р. Камолов эса Ғ.Ҳамроевга «Корхона ўзимизники бўлди, бориб янги қулф олиб келинг», деди. У топшириқни бажаргани кетди.

— Ғайрат Ҳамроев ким? — тилимга шу савол келди. — Ҳа-я, собиқ раҳбар. Хўп, давоми-чи?

— Раҳбарнинг хонасида ҳужжатлар сақланади, бегонанинг кириши мумкин эмас, — давом этади Зулайҳо Худойбердиева. — Бироқ ҳамма ишда эди. Паркдаги бир-икки киши ҳеч нарса қила олмадик. Улар ишхона қулфини алмаштиришди. Кечаси билан шу хонада ётиб чиқишган. Эртаси — 25 июнь куни тонгда корхона раҳбари Баҳром Алиев ишга келгач, уларни чиқариб юборди. Улар зўравонлик билан раҳбар хонасига бостириб кирганлиги, хатти-ҳаракатлари юзасидан далолатнома тузиб, милицияга топширдик...

Автокорхона раҳбарининг эшиги биринчи бор таҳқирланаётган эмас. Ўтган йили таҳририятга шикоят ёзган Жалил Бобоқулов ҳам эшикни тепиб, ноўрин хатти-ҳаракатлар қилганди.

— Ёлғон, Тожиев Илҳом деган бола қилган, жанжални, — эътироз билдиради Ж.Бобоқулов. — Мен аралашмасам, катта ғавғо чиқарди.

— Ўтган йили жанжал чиқарганингизда суднинг қарори билан 10 минг 290 сўм жарима солинганига нима дейсиз?

— Шундай бўлганди, — эътироф этади Ж.Бобоқулов. — Аммо мени ҳам, ўғлимни ҳам ишдан бўшатишди. Ишсиз юрибман. Шунинг учун автокорхонанинг энг кўп акциясини сотиб олган Р. Камолов ва Н. Расулова томонида туриб курашаяпман.

Назаримда, Жалил Бобоқулов очиқ кўнгил, аммо бошқаларнинг гапига ишонувчан, сал нарсага ловуллаб кетадиган киши экан. Шикоятга имзо чеккан ўғли Жаҳонгир, Н.Маҳматқулова, Қ. Мирзаев ва О.Имомовани чақириб келиш учун одам юборилганда, «Аризани ўзим ёзганман», деди. Улар келмагач, «Нега уларни чақирмайсиз?», деб эътироз билдирди. Умуман, ҳайдовчи Ж.Бобоқулов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор бирданига чиқарилмаган. Касаба уюшмаси йиғилишида ҳам унинг масаласи муҳокама қилинган. Бундан тегишли хулоса чиқармаган...

Унга жамиятнинг бошқа акциядорлари билан суҳбатда иштирок этишни таклиф қилганимда, унамади. «Мени ёмонлашади», деди. Аммо ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчи ва хизматчиларидан 19 киши билан суҳбатлашар эканман, на у ҳақда, на йирик акция пакетига эга бўлган мулкдорлар ҳақида бирон оғиз гапиришмади. Айниқса, Шоймардон Аралов, Иброҳим Жумаев, Рўзимурод Ҳамидов, Рўзимурод Тоғаев ва бошқалар ташкилот тақдири ҳақида қайғуришди. Уларнинг фикрларини магнит тасмасига ёзиб олдик, аммо айрича мулоҳаза туғилмаслиги учун алоҳида келтирмасликни, фақат воқеалар тафсилотига тўхталишни лозим топдик.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ОЛТИ ЙИЛДА ҚУРИЛМАГАН ДРЕНАЖ»

МАҚОЛАСИ БЎЙИЧА КЎРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази газетанинг шу йил 6 июнда чоп этилган «Олти йилда қурилмаган дренаж» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада келтирилган далиллар тасдиғини топди.

Ҳақиқатан, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Горизонтал дренаж қуриш тўғрисида» 1996 йил 1 мартдаги қарори билан Юнусобод туманидаги Ўрта Сарой, Плеханов, Машинастроительная кўчаларида горизонтал дренаж қуриш бўйича буюртмачи этиб Тошкент шаҳар Ободонлаштириш Бош бошқармаси, бош лойиҳачи этиб «ТошНИИГенплан», бош пудратчи этиб «Тошинжстрой» тайинланган.

Мазкур масала бўйича ишларни қайта тиклаш учун Юнусобод туман ҳокими Р.К. Пўлатовга ва Тошкент шаҳар Ободонлаштириш Бош бошқармасига 2002 йил 21 июнда хат юборилди. Тадбирлар бажарилиши Юнусобод туман ДСЭНМ томонидан назоратга олинди.

Ушбу мақоланинг иккинчи қисми бўйича Шайхонтоҳур туманидаги Чорсу мавзеси кўп қаватли 4-уйининг ертўласида санитария назорати ўтказилди. Назорат вақтида ертўланинг маиший чиқиндилар билан ифлосланганлиги, ерости сувларининг баландлиги сабабли ертўлада сув борлиги ва чивинларнинг кўпайиш жойига айланганлиги аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун «Чорсу» ширкатининг бошлиғи Н. Исабоевага 17 июнь куни тегишли тавсиянома берилди. Жорий йилнинг 19 июнь куни ўтказилган қайта текширув натижасида тавсияномада кўрсатилган топшириқларни тўлиқ бажарганлиги, жумладан, уй ертўласининг маиший чиқиндилардан тозаланганлиги, сувнинг қуритилганлиги ва зарарсизлантириш ишлари амалга оширилганлиги аниқланди (бу ишларни ўтказилганлигини тасдиқловчи тилхатлар шу уйда яшовчилардан олинди).

■ Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи С. САЙДАЛИЕВ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧЛАРИ

ЭНДИ ЎЗИМИЗНИ ЎНГЛАЙМИЗ

ДЕЙИШМОҚДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони Оролбўйи тадбиркорлари-ю Хоразм ишбилармонларини руҳлантириб юборди.

✧✧✧

Хўжалигимиз истиқлол йилларида ташкил этилди. Беш йил аввал фермер хўжалигимиз 10 гектар еру 30 бош қорамолга эга эди, холос. Ҳозир эса экин майдони 30 гектарга, қорамоллар сони 120 бошга, қўй-эчкиларимиз 50 тага етди. 22 ишчининг хизмати вақтида берилаётган маош билан рағбатлантирилмоқда. «Мақсуд» фермамиз бурноғи йили давлатдан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бу маблағга трактор, ер ҳайдаш мосламалари каби техникаларни харид қилдик. Кейинги 6 йил мобайнида болалар боғчаларини бепул сут билан таъминлаб турибмиз. Хўжалик атрофидаги аҳоли пунктини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ишларига ҳам кўмаклашдик.

Ўйлайманки, бу борадаги ишларимиз энди янада ривожланади. Боиси, Юртбошимиз қорақалпоқ тадбиркорларини қўллаб, ўзига хос рағбатлантириш хусусида фармон қабул қилдилар. Биз бундан ниҳоятда мамнунмиз. Гап шундаки, тадбиркорнинг иши ривожланса, шунга яраша манфаатдорлик ҳам юзага келади, аҳолининг ижтимоий-моддий ва маънавий ҳаёти ҳам яхшиланаверади.

Мақсуд ЙЎЛДОШЕВ,
фермер хўжалиги раиси

✧✧✧

Мен — бошловчи тадбиркорларданман. Кўп тармоқли «Раҳима» кичик корхонаси очиб, иш бошладим. Дастлаб кийим ва бошқа буюмларни тайёрлашга қўл урдик. Албатта, кенг қамровли ишлаш учун замонавий асбоб-ускуналар зарур. Шу боис, «Бизнес фонд» орқали кредит олганмиз. Президентимизнинг қорақалпоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонлари эндиликда яна ҳам ғайрат билан ишлашимизга имкон беради. Айниқса, 50 фоизлик солиқнинг жорий этилаётгани барчага бирдек маъқул келди.

Бахт ПАЛИНОВА,
Нукусдаги «Раҳима» кўп тармоқли хусусий корхона раҳбари.

✧✧✧

Фармонда қайд қилинган 75 минг АҚШ долларига тенг жамғармали корхоналар хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ҳисобланади. Ёки 2002 йил 1 июлдан 2005 йил 1 январигача камайтирилган ставка бўйича 50 фоизли солиқ тўғрисидаги қайднома тадбиркорни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос рағбати. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги иқлимий ҳамда экологик шароитлардан келиб чиққан ҳолда бундай фармоннинг қабул қилиниши минтақа аҳолисининг яшаш шароитини янада яхшилашга қаратилганидан нишона.

Мен истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ хусусий корхона ташкил этганман. Маълумки, бу ердаги шароит туфайли турли касалликларнинг юзага келиши, табиий. Шунинг учун ҳам тишларни даволаш, олиш ва қўйиш поликлиникасида кўрсатилаётган хизматдан кўпчилик мамнун. Ниятим, бундан кейин поликлиникамиз фаолиятини янада кенгайтириш, халқаро андозаларга мос технология ва ускуналар билан жиҳозлаш. Бундай ишларни рўёбга чиқаришда эълон қилинган фармон бизга жуда-жуда асқотади. Ўртанча ўғлим ташкил этган «Азат» фермер хўжалигида 20-25 киши меҳнат қилади. Катта ўғлим эса яқинда фермер хўжалиги тузди. Шунингдек, «Антакия» хусусийлаштирилган инвестиция жамғармасини бундан 5-6 йил олдин тузишга раҳбарлик қилганман. Яқинда мазкур жамғарманинг йил якунига бағишланган йиғилишида ҳар бир акционерга 270 фоизли дивиденд борлиги аниқланди.

Жумамурот ТУРЕМУРОТОВ,
Хўжайли туманидаги «Азамат қуйин» фирмаси раиси.

ИШОНЧ, САМАРА,

— Халқ банки кўп йиллик тарих ва бой анъаналарга эга, — дея сўз бошлади Олим Зайнулович. — У — Ўзбекистоннинг отахон банкларидан бири. Мамлакатимизда замонавий банкчилик амалиётига XIX асрнинг охирларидаёқ асос солинган. Биринчи жамғарма касса 1875 йил Тошкентда фаолият бошлаган. 1890 йилга қадар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам шундай кассалар бўлган. Улар асосан аҳоли маблағларини омонатларга жалб қилиш, аккредитивлар ва давлат қимматли қоғозларини аҳоли ўртасида жойлаштириш фаолиятини юритганлар. Кейинчалик тизим тармоғи кенгая бориб, мижозларга кўрсатилган хизматлар кўлами ошган.

Мустақиллик йилларида «Ўзжамғармабанк» мамлакатимиз иқтисодиётининг пул-кредит соҳасида бошлаган ислоҳотлари жараёнида Ҳукуматнинг молиявий агенти бўлиб майдонга чиқди ва 1995 йил 4 октябрдан бошлаб, Давлат-тижорат Халқ банкига айланди.

— Бугунги кунда унинг тизими, тармоқлари, шаҳобчалари фаолияти ва аҳоли манфаатдорлигини кўзлаб амалга ошираётган хизмат турлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?

— Халқ банки бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимининг энг йирик бўғинларидан бири. Унинг 14 та ҳудудий бошқармаси, 204 та туман бўлимлари ва қарийб 3000 та шаҳобчаларида 12 мингга яқин банк мутахассислари хизмат қилмоқда. У — мамлакатда фуқаролар омонатларининг бут сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банк.

2001 йилда Халқ банки фаолиятини универсаллаштириш ва янги поғонага кўтариш, банк стратегиясининг истиқболли мақсадларига эришиш ҳамда халқаро андозалар даражасидаги ташкилий тузилмасининг самарали фаолиятини таъминлаш борасида 2001-2005 йилларга мўлжалланган ривожланиш Дастури қабул қилинди.

Банкнинг кредит ва инвестиция салоҳиятини ошириш ҳамда мунтазам кредит ресурслари базасини яратиш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси мунтазам таъминланмоқда. Масалан, банк ресурслари базаси йил бошига нисбатан 1,4 баробарга ортди. Бу кўрсаткичнинг 79 фоизидан ортиғи аҳоли омонатлари, 21 фоизи эса банкнинг юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларидан иборат.

Халқ банки ўз молиявий аҳволини янада барқарорлаштириш билан бирга халқаро мавқеини мустаҳкамлаш борасида ҳам изчил фаолият юритмоқда. 2002 йилнинг 7 февралида Жаҳон жамғарма банклари Институтининг аъзоси сифатида тан олинди. Дунёнинг қатор нуфузли молия институтлари билан корреспондентлик алоқалари ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, банкимиз ўзининг стратегик мақсад-муддаоларига эга.

— Ана шу мақсад-муддао — стратегия ҳақида...

— Ўзбекистон ҳудудидаги барча мижозлар, жумладан, хусусий, давлат ҳамда корпоратив субъектларнинг ишончли ва юқори сифатли банк хизматларига бўлган талабларини қондириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва уларни иқтисодиётнинг реал секторларига йўналтиришдек стратегик мақсадлари билан мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишни ният қилганмиз. Хусусан, банк фаолиятини универсаллаштириш ва унинг молия бозоридаги воситачилик ролини ошириш, жаҳон банкчилик амалиёти даражасига кўтариш, пировардида, Ўзбекистонда биринчи даражали рақобатбардош йирик, нуфузли банк мавқеига эришиш — стратегик йўналишимизнинг ўзаги ҳисобланади. Шунингдек, Халқ банкининг мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш ва уни республикада яшовчи ҳар бир фуқаронинг кўмаклашиш ва энг муҳими уларнинг ишончини қозониш — ҳар бир банк ходимининг бурчи бўлиб қолмоғи керак.

Бу борада, ўтган йили республика аҳолисига банк хизматларининг тўлиқ пакетини тақдим этишни ташкил қилиш мақсадида, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишнинг янгича услуби — «Оила» ҳисоб рақамларини очиш орқали хизмат кўрсатиш тадбири амалиётга жорий этилди. 2001 йилнинг тўртинчи чораги давомидагина қарийб 30 минг оилага ушбу ҳисоб рақамларининг очилиши — оила аъзоларига пул маблағларини омонатларда сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, турли банк операцияларини амалга ошириш имкониятларини яратди.

Ушбу хизмат тури — банк бўлимларида ихтиёрийлик асосида ҳар бир оилага очиладиган ҳисоб рақамига — оила аъзоларининг иш ҳақлари, мукофот пуллари, нафақалари ва бошқа даромадларини нақд пулсиз ва нақд пулда кирим қилиб, турли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кўзда тутади.

Оиланинг жорий молиявий қийинчиликларини қоплаш учун қисқа муддатларга (10, 15, 20, 30 кунгача) мўлжалланган кредит бериш амалиётини ҳам жорий этдик. Банк амалиётига оила мулкини гаровга олган ҳолда, аҳолини қисқа муддатли ломбард кредитлаш тажрибасини кенгайтириш устида изчилликка эришдик. Фуқаро-«оила банки»га айлантириш режалари ҳам стратегик мақсадимизга киради.

— «Оила банки»га айлантиришнинг устуворлик жиҳатлари нималардан иборат?

— Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган Дастурга мувофиқ, Халқ банкини республикада яшовчи ҳар бир фуқаронинг «оила банки»га айлантирилиши катта устуворликка эга. Яъни, ҳар бир мижозга индивидуал тарзда замонавий ва манфаатли банк хизматларини таклиф этиб, оилаларга кириб бориш, уларга мавжуд молиявий масалаларни юритишида яқиндан ёрдам бериш, ҳар бир оила ва ундаги ҳар бир шахсга ўз ҳисобидаги маблағларини ишлатиш, ўз ҳисобидаги маблағларини ишлатиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ва имкониятларини ҳисобга олиб, ҳар бир оилага

БАНК ВА МИЖОЗ

КАФОЛАТ

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ — ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ОЛИМ НОРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Банк технологиялари ва информацион тизимларни такомиллаштириш, компьютер техникаси ва дастурий таъминотларни янгилаш орқали омонатчиларнинг ҳисоб варақалари бўйича ўтказиладиган операцияларни автоматлаштириш ва омонатчиларнинг ҳисоб-варақалари қаерда жойлашишидан қатъи назар, мамлакатнинг исталган нуқтасига пул ўтказишни таъминлаш йўлида бир қатор ижобий ишларни амалга оширдикки, бугунги кунда буларнинг ҳаммаси мижозларнинг банкимизга бўлган ишончини тобора оширмоқда. Ҳар бир йирик корпоратив мижозга банкка келмасдан барча операцияларни ўз офисидан туриб амалга ошириш имкониятини яратувчи «Банк — мижоз Дастури»нинг автоматлаштирилган электрон тизими жорий этилиши тармоқда катта ўзгаришлар ясамоқда.

Банкнинг жаҳондаги «ЖП Морган Чейз» (АҚШ), «Коммерцбанк», «Берлинербанк», «Дрезднер банк» (Германия) каби нуфузли банк муассасалари билан корреспондентлик алоқалари — хорижий кредит линияларини жалб қилишга имкон берди ва бу ўз навбатида, WESTERN UNION электрон тўлов тизимига аъзо бўлиш учун барча шарт-шароит яратди. Халқаро молиявий институтлар, хусусан, Осиё Тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкларининг кредит линияларини жалб қилиш юзасидан тадбирлар белгиланди, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг техник тартиблари ишлаб чиқилди.

— Банк тизимида аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган йўналишлар ва тадбирлар ҳақида нима дея оласиз?

Халқ банки республикамизнинг қатор тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон ҳудудида фуқароларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилишида энг фаол иштирок этаётган ягона банкдир.

Чунончи, ўтган молия йилида банк муассасалари орқали кам таъминланган оилаларга, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган 2 ёшгача болали оналарга ҳамда 16 ёшгача болали оилаларга 78,4 миллиард сўм миқдорида нафақалар тарқатилди. Унинг фаолият дастурида бундан буён ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқ мақсадли ижтимоий ҳимоялаш бўйича давлатимиз сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш саъй-ҳаракатлари белгиланган.

Аҳоли учун янги «Юбилей тўй», «Олтин куз», «Ассалом, янги йил», «Кексаларга иззат-ҳурмат ва ғамхўрлик», «Тома-тома кўл бўлур», «Тадбиркор», «Мустақиллик» каби муддатли ва ютуқли жозибали омонат турлари, шунингдек, «Тўёна» ва «Комфорт» каби истеъмол ҳамда «Талаба», «Таҳсил» сингари таълим кредитлари жорий қилинди.

Банкимиз томонидан республика ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бевосита кўмак бериш, ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 мингга яқин талабага имтиёзли таълим кредитлари ажратилиб, талабаларнинг контракт тўловлари бўйича ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилди.

Айни пайтда, банк томонидан янги тузилаётган ёш оилаларда тўй, тантана маросимларини ўтказиш, турли уй-рўзғор буюмлари ва бошқа техник анжомларни харид қилиш, шунингдек, якка тартибда уй-жой қурилишини таъминлаш мақсадида 3 минг лишини банк кредитлари ҳисобидан амалга ошириш имкониятлари яратилди. Ҳозир хизматнинг бу турларидан фойдаланаётган мижозлари сони тобора ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, банкнинг янги хизмат тури сифатида республикамиз фуқароларига улар дам олишга ёки сафарга чиққанларида қимматбаҳо буюмларини ишончли сақлаш шароитини яратиш учун «Сезам индивидул сейфлари» ижарага берилди. Бугунги кунда, республикамизнинг турли туман ва шаҳарларида истиқомат қилувчи минглаб фуқароларимиз банкнинг ушбу қулай ва ишончли хизматидан фойдаланиб, ортиқча хавотирликдан халос бўлмоқдалар.

— Якка тартибдаги тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат турлари ва уларнинг даражаси ҳақида ҳам...

— Аҳоли ва якка тартибдаги тадбиркорларга банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, жойларда нақд пул муомаласини барқарорлаштириш, ҳудудларда эмиссия улушини қисқартириш ҳамда нақд пулларни бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ташишни камайтириш эвазига жойларда пул танқислиги муаммосини бартараф этиш мақсадида «Ишонч» электрон пластик карточкалари муомалага киритилди.

Ўз навбатида, аҳолидан уй-жой, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилиш жараёнининг мукаммаллаштирилгани ҳамда жаллаштирилгани натижасида 40 миллиард сўмга яқин маблағларнинг кирим қилиниши, бир томондан, банк кассаларига муомаладаги нақд пул массасини жалб қилишга, иккинчи томондан эса маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг мавжуд дебитор ва кредиторлик қарздорлигини сезиларли даражада қисқартиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Республикамиз Президенти томонидан 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинишининг маъноси ғоят улуғ. Зеро, элимиз, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилган ёши улуғ фахрийларимизни қанча ардоқламайлик оз. Шу боис, моддий кўмакка ва эътиборга кўпроқ муҳтож бўлган қарияларга мўлжаллаб, амалиётга янги истеъмол кредитларини татбиқ этишга киришдик. Яқин кунларда қарияларимизнинг санаторий-профилактика оромгоҳларида дам олишлари ва даволанишлари учун янада қулайроқ шароитларни яратиш мақсадида имтиёзли истеъмол кредитлари беришни йўлга қўйиш арафасида турибмиз.

— Яна айтадиган гапларингиз бўлса...

— Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси бундан буён ҳам ўз куч-ғайрати ва саъй-ҳаракатларини халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга сафарбар этаверади.

■ **Суҳбатдош: Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

ҲИМОЯ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Очиғини айтиш жоиз, тадбиркорлар фаолияти бўйича ҳамон ноқонуний текширишлар бўлаётгани учраб турибди. Бу эса айрим кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга бир қадар ноқулайлик туғдиряпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари тўғрисидаги йиғилишида Президентимиз тадбиркорларни назорат қилувчи органларнинг ғайриқонуний текширувидан ҳимоя қилиш ўта муҳим масала эканлигига яна бир бор эътиборни қаратди. Уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун Адлия вазирлиги ва вилоятлардаги бошқармаларига тўла жавобгарлик ва масъулиятни юклади.

Хўш, бу борада Андижон вилоят адлия бошқармасидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан тадбиркорларга қандай амалий ёрдам кўрсатилмоқда?

— Жорий йилнинг ўтган ойларида вилоят адлия бошқармасига 93 та ариза келиб тушди. Шундан 86 ҳолат бўйича тегишли ташкилотлар ҳамда судларга тақдимнома ва даъво аризалари киритилди, — дейди бош бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари **Абдураҳим ТУРҒУНОВ**. — Масалан, Улуғнор тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиги худудидаги «Ёрқин» фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб берилган даъво ариза Бўз туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилди. Суд жавобгар «Дўстлик» ширкат хўжалигидан 312696 сўм тўланилмаган иш ҳақи, 78174 сўм жарима, 156348 сўм моддий зарар ҳамда 5000 сўм маънавий зарар билан жами 557218 сўмни фермер хўжалиги фойдасига ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, «Сайёр» фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб киритилган даъво ариза ҳам ушбу фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиб, «Дўстлик» ширкат хўжалиги томонидан шартнома шартларини қўпол тарзда бузилиши оқибатида жарима ва пенялар билан қўшилган ҳолда 1526690 сўм «Сайёр» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига тўланадиган бўлди.

Шунингдек, айни пайтда баъзи туманларда ҳокимликлар томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш шартномаларининг давлат рўйхатига олинмаганлиги фактлари учрамоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бугунги кунда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш бошқарма ходимларининг биринчи галдаги вазифасидир. Бунинг учун бошқарма ҳузурида тадбиркорлар ҳуқуқларини қонуний ҳимоялаш мақсадида «Ишонч» телефони ишлаб турибди.

Тадбиркорликка давлат миқёсида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Зеро, тадбиркорлик кенг ёйилса, ишлаб чиқариш кўпаяди, фаровонлик янада ошади. Улар йўлига ғов бўлиш эса ўз навбатида тўкинчиликка қарши тўсиқ, деб қаралиши лозим.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



О, юртим жамоли, юртим жамоли

ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Калтақир кенгликларига туташ «Дул-дул» қишлоғи Навбаҳор туманининг энг олис қишлоқларидан саналади. Мазкур қишлоқдаги 3 мингга яқин фуқаро тиббиёт хизматига ёлчимади. Шу мақсадда бу ерда замонавий қишлоқ врачлик пункти қуриб фойдаланишга топширилди. Натижада «Дулдул», «Армижон» қишлоқлари аҳолисининг оғири енгил бўлди.

— Янги тиббиёт масканидаги асбоб-ускуналар, ташҳис қўйиш мосламалари хорижники, — дейди пункт мудири Бобомурод Ҳодиев. — Бундан ташқари, бу ерда қариялар ва болалар бўлими, кутиш зали ҳам бўлиб, беморларга керакли маслаҳатлар берилмоқда.

Ҳа, олис қишлоқдаги бу тиббиёт врачлик пункти хизматидан ҳамма мамнун.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ» ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгаши қошида фермерларга ёрдам бериш, уларнинг ишини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида «Маслаҳат маркази» ишга туширилди.

«Маслаҳат маркази» ўз низоми, дастури асосида фермерлар билан тузилган шартномалар асосида иш олиб боради. Марказга фермерлар муаммоларини ўрганиш ва ечишга кўмаклашадиган ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар жалб этилган.

Яқинда туман фермерлари билан семинар-кенгаш ўтказилиб, умумий вазифалар белгилаб олинди.

■ **Алписбай ИБОДУЛЛАЕВ**



ҲУКУМАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун ҳукумат таркибига ўзгартишлар киритди. Мамлакат тарихида илк бор бош вазир лавозимини аёл эгаллади. Шунингдек, ҳукумат таркибининг учдан бир қисми янгиланди. Кенг миқёсдаги ўзгартишлар 19 декабрга мўлжалланаётган президент сайловигача Жанубий Корея маъмуриятини жипслаштириш мақсадида амалга оширилди.

62 ёшли бош вазир Чан Сан хоним «Ихва» аёллар университетининг ректори эди. У 2000 йили Президент Ким Дэ Чжуннинг Шимолий Кореяга қилган тарихий сафари чоғида унга ҳамроҳ бўлган.

КВЕБЕК ЎРМОНЛАРИДА

Бир неча кундан бери Канаданинг Квебек штати ўрмонларидан таралаётган тутун АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларигача етиб борди. Тутун энди Вашингтонга қараб бўй чўзмоқда. Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Пенсильвания штатлари аҳолисига тутундан ҳимояланиш учун респиратор (нафас олиш органларини заҳарли газдан сақлайдиган асбоб) тақиб юришлари ва уйдан ҳуда-беҳуда чиқавермасликлари тавсия этилди.

Шу кунгача 1000 квадрат километрдан ортиқ Квебек ўрмонлари ёниб, кул бўлди. Associated Press агентлигининг хабар беришича, ёмғир ҳали кутилмаяпти, демак ёнғин майдони яна кенгайиши мумкин.

Юта штатининг шарқий чегарасидаги ўрмонда кучайган иккита ёнғин ўчоғи зўрга бартараф этилди. Олов шу яқин атрофдаги уйларга ва табиий газ конига ҳам хавф солаётган эди. Июнь охиридан бери давом этаётган ёнғин 46300 гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурди. Аризона штатида эса 190 минг гектар ўрмон олов домида қолди.

Россиянинг Узоқ Шарқ федерал округида ҳам ёнғин ўчоғи 117 тага етди. Энг кўп ёнғин Ёқутистонда — 62 та ва Магадан вилоятида — 20 та. Ҳозир оловга қарши курашга 2929 киши ва 264 та техника сафарбар этилган.

РОБОТ ҲАМШИРА

Шу кунларда Япониянинг Сига университети ҳузуридаги касалхонада робот ҳамшира иш бошлаб юборди. «Мацусита электрик» корпорацияси мутахассисларининг ижод маҳсули бўлган робот 120 килограмм вазнга эга бўлиб, оддий қутига ўхшайди. Олти ғилдирак ёрдамида темиртан ҳамшира касалхона биноси ичида турли маълумотномалар, рентген суратлари, касаллик тарихи ва бошқа материалларни хонама-хона ташиб юрибди.

Дастёр робот одам тезлигида юради. У сенсорлар ёрдамида касалхона йўлакларида аниқ ҳаракат қилмоқда. Қувватни батареядан олади. Батарея кучи эса узлуксиз ҳаракат қилганда етти соатга етади. Темиртаннинг бирдан-бир камчилиги унинг зинада юра олмаслигидир. Бироқ тадқиқотчилар бунинг ҳам иложини топиш пайида. Сунъий ҳамшира яқин кунларда лифтдан фойдаланишни ўргана бошлайди. Машина 67 минг АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Хабарларга қараганда, «Мацусита электрик» бу ихтиро билан чекланиб қолмоқчи эмас. Яқин кунларда ресторан ва саноат корхоналари учун ҳам «югурдаклар» ишлаб чиқарила бошлайди.

ПРЕЗИДЕНТ АФВ ЭТДИ

Жосусликда айбланиб, Белорусия суди томонидан жазоланган Италия фуқароси Анжело Антонио Пиуни афв этиш тўғрисидаги фармонга Белорусия Президенти Александр Лукашенко имзо чекди.

Анжело Антонио Пиу 2000 йил 12 сентябрда Белорусияга нисбатан жосуслик қилгани учун тўрт ярим йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Суд ҳукми қонуний кучга киргач, жабрланувчи ҳукуматдан кечирим сўраб, афв этишларини ўтиниб Белорусия президенти номига мурожаатнома йўллаган эди. Худди шундай илтимос билан Белорусия раҳбарига Италия Президенти ва Венеция ҳукумати, шунингдек, Италия сенатининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш фавқулодда комиссияси раиси ҳам мурожаат этганди. Улар ўз ватандошининг айбини инкор этмаган ҳолда, тан олиб илтимоснома жўнатишган.

Белорусия Президенти матбуот котибининг айтишича, Анжелонинг афв этилишини сўраб кўпчилик мурожаат этгани учун ва унинг ўзи ҳам қилган ишидан қаттиқ афсусланаётганлигини инобатга олиб, Президент таъбири билан айтганда, «Белорусия халқаро майдонда давлатлараро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш тарафдори» сифатида Анжелони афв этишга қарор қилинди, дейилади «Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

МАРСГА УЧИШ ЛОЙИҲАСИ

Россияда АҚШ мутахассислари билан ҳамкорликда фазогирларнинг Марсга учиши бўйича лойиҳа тайёрланмоқда. Бу ҳақда «Росавиакосмос» мутахассиси Виталий Семёнов хабар берди. Олимнинг айтишича, лойиҳа 2014-2015 йилда 6 нафар фазогирни Марсга учириш ғоясини ўз ичига олади. «Ҳозир лойиҳани олдиндан ишлаб чиқиш тадбирлари амалга оширилмоқда», деди у.

Ҳисоб-китоб қилишларича, фазовий кемани қуриш ва учириш учун 20 миллиард АҚШ доллари керак бўларкан. Шунинг учдан бир қисми Россия томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

«Шубҳасиз, бу халқаро лойиҳадир. Шунинг учун ҳам Европа фазо агентлиги ушбу лойиҳага қўшилиш истагини билдирмоқда. Бу масала юзасидан биз улар билан шу ҳафтанинг ўзидаёқ музокараларни бошлаб юбордик», дейди В. Семёнов.

ҲАРБИЙЛАР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

«Балтимор сан» газетасининг маълумотларига қараганда, АҚШ мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилар сонини қисқартиришни режалаштирмоқда. Газетанинг хабар беришича, қисқариш асосан АҚШнинг қуруқликдаги қўшинлари, ҳарбий-ҳаво ҳамда ҳарбий-денгиз кучлари сафида амалга оширилиб, қуролли кучлар сафидан чиқарилганларнинг умумий сони тахминан 80-85 мингни ташкил этиши мумкин. Энг қизиғи, қисқартириш АҚШ армиясининг бюджети ошиб бораётган пайтда амалга оширилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2003 йилда бу кўрсаткич яна 34 миллиардга ошиб, жами 361 миллиард долларни ташкил этади.

ИТАЛИЯ КЎЧАЛАРИДА

ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ МУМКИН

АҚШ конгрессининг Вакиллар палатаси фуқаро самолётларини бошқарувчи учувчиларни ўқотар қурол билан таъминлашга рухсат берувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Ҳужжатда айтилишича, бунинг учун учувчилар қуролдан фойдаланиш курсларида таҳсил олишлари лозим бўлади.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур лойиҳа қонунга айланиши йўлида жиддий тўсиқлар пайдо бўлиши аниқ. Негаки, Оқ уй вакиллари фуқаро авиацияси учувчиларини қурол билан таъминлаш фикрига қарши эканини илгари ҳам маълум қилган эди.

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ АКЦИЙ

открытое акционерное общество «BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI»

I. Основные сведения об эмитенте

Полное наименование эмитента: Открытое акционерное общество «BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI».

Сокращенное наименование эмитента: ОАО «BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI».

Отрасль: Организация рыночной торговли.

Головная организация: Ассоциация «Тошбозортайёрловсавдо».

Местонахождение и банковские реквизиты:

Почтовый адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент — 700003, Чиланзарский р-он, ул. Туроб Тулы, 71.

Название обслуживающего банка и его местонахождение: Мехнатское отд. ЖСБ, г. Ташкент.

Расчетный счет в банке и МФО: 20208000600112074001, МФО 00423.

II. Сведения об уставном фонде (капитале) эмитента:

а) размер объявленного уставного капитала, сум: 5200000 сум (пять миллионов двести тысяч сум).

б) размер уставного капитала по данным бухгалтерского баланса, сум: 2022000 сум.

в) размер уставного капитала с учетом дополнительного выпуска акций, сум: 5200000 сум.

III. Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг.

Общие данные о ценных бумагах:

а) общий объем выпуска (по номинальной стоимости), в сум: 5200000 сум (пять миллионов двести тысяч сум).

б) выпускаемые ценные бумаги (количество, вид): акции из них:

простые на предъявителя, количество: нет.

простые именные количество: 52000 штук.

привилегированные именные акции: нет.

облигации: не выпускались.

в) общее количество выпускаемых ценных бумаг, шт.: 52000 шт.

г) номинал одной ценной бумаги, сум: 100 сум.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ФРЭНСИС БЭКОН – ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ, ДАВЛАТ АРБОБИ. 1561-1626 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Мен ҳукм чиқарувчининг эмас, балки, «ишора қилувчининг» хизматини бажо келтираман.

♦ Фақат оламнинг ўз овозини ҳаммадан аниқроқ ифодалаётган ва, ўзидан ниманидир қўшмасдан, фақат уни такрорлаб ҳамда инъикос эттириб, худди оламнинг амри билан битилгандай фалсафани ҳаққоний, деб атайман.

♦ Нотўғри йўлдаги кучанишлар хатоликларни кўпайтиради.

♦ Худо бизнинг қуруқ хаёлларимиз орзуларини оламнинг тимсоли қилиб кўрсатишимизга йўл қўймайди.

♦ Ким худоларни инкор этса, инсон зоти олижаноблигини инкор қилади.

♦ Биз таклиф қилаётган нарсаларни тушунтириш усулини топиш осон эмас. Зеро, янгининг ўзини эски билан ўхшатиш орқали тушунилади.

♦ Муаллифларга ҳам саждa қилиш ва ҳам улардан ўтиб кетиш даргумон. Бу ерда, бизнинг олдимизда, сувнинг ўзи оқиб тушган сатҳдан юқорироққа кўтарила олмаслигига ўхшаш ҳолат кузатилади.

♦ Табиатни, унинг қонунларига итоат этибгина, забт қиладилар.

♦ Ҳеч ким нарсанинг табиатини унинг ўзидан муваффақият билан топа олмайди — қидириш янада умумийроққача кенгайтирилмоғи лозим.

♦ Сезгининг ўзи заифдир ва адашади...

♦ Ўз ҳолига ташлаб қўйилган инсоний ақл ишончга лойиқ эмас...

♦ Қўлнинг ўзи ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган ақл катта кучга эга эмаслар. Иш қуроллар билан бажарилади.

♦ Ҳақиқат — Нуфузнинг эмас, балки, Вақтнинг фарзанди.

♦ Инсон — Табиатнинг хизматкори ва шарҳловчиси.

♦ Билимнинг ўзи кучдир.

♦ Тасодиф, баъзан, кашфиётлар қилади, аммо, у йилларни эмас, балки, асрларни талаб этади.

♦ Фан воқеликнинг инъикосидан ўзга нарса эмас.

♦ Шарпаларнинг, одамлар ақл-ҳушини қамал қилувчи, тўртта кўриниши бор:

1. Зот Шарпаси.

Уларнинг замини инсоннинг табиатида, одамларнинг зотидадир. Одамнинг сезгиси Нарсаларнинг ўлчовидир, дейиш нотўғри. Худди шуни одамнинг, нарсаларни қийшайган кўринишда акс эттириб, ўзини нотекис кўзгу сифатида тутувчи, ақли хусусида ҳам айтиш мумкин.

2. Ғор Шарпалари.

Булар алоҳида кишининг хатоларидан иборат. Ахир, бизнинг ҳар биримизда, ўзимизнинг, Платон тасвирлаган, табиат нурини бузувчи ва ўзгартирувчи, ғоримиз бор.

3. Бозор Шарпалари.

Булар одамларнинг ўзаро боғланганликлари ва уюшмаларидан келиб чиқадилар. Одамларни нутқ бирлаштиради. Шу боис, сўзларнинг ёмон ва бемаъни боғланиши, ҳайрон қоларли тарзда, ақлни чулғаб олади. Сўз ақлга, ҳаммасини қориштириб ва одамларни қуруқ ҳамда чексиз баҳсларга етаклаб, нақ зўравонлик қилади.

4. Томошагоҳ Шарпалари.

Улар одамларга фалсафанинг турли ақидаларидан, шунингдек, нотўғри қонунлар ва далиллардан кирганлар. Қанча фалсафий тизимлар ихтиро қилинган бўлса, шунча, уйдирма ва сунъий оламларни тасвирловчи, кулгили саҳна асарлари қўйилган ҳамда ўйналган.

♦ Сафсатабозликни рад этиш тўғрисидаги таълимот умумэътироф этилган мантиқ учун нимани англатса, Шарпалар тўғрисидаги таълимот ҳам табиатни талқин қилишда шуни англатади.

♦ Ҳақиқат ва фойдалилик — бир нарса. Амалиёт — ҳақиқатнинг гарови.

♦ Улкан нарсаларнинг кичик нарсаларни билиш учун нима беришига қараганда, кичик ва арзимас нарсаларнинг улкан нарсаларни билиш учун бизга кўпроқ нарса бериши тез-тез кузатилиб туради.

♦ Дилидагини айтиб, унга ичидагини ёриши мумкин бўлган дўсти йўқ кишилар ўз қалбларининг зулмкорларидирлар.

♦ Газаб ва қўркувгина зўравонликни қўллашга мажбурлайдилар.

♦ Ким душманга раҳм қилса, ўзига бераҳмдир.

♦ Раҳмдиллик ҳаддан ташқари бўлмайди.

♦ Кишининг феъл-атворида шунақанги, ҳатто, кучсиз бир ҳис-туйғу йўқки, токи, у ўлим қўрқинчини енга олмасин. Қасос — ўлимдан устун келади; севги-муҳаббат ундан жирканади; ор-номус уни ҳоҳлайди; қайғу ундан паноҳ излайди; қўрқув уни олдиндан пайқайди.

♦ Ташқи вазиятларнинг инсон бахтига кўмак беришини инкор этиб бўлмайди. Лекин, инсоннинг тақдири, асосан, унинг қўлидадир.

♦ Фаровон ҳаёт инсоннинг нуқсонларини ошкор этади, мусибатлар эса унинг фазилатларини намоён қиладилар.

♦ Одам қанча кам билса, унда гумонлар шунча кўп бўлади.

♦ Умумий келишув — ақл ишларидаги энг ножўя аломат.

♦ Ўқиш кишини билимдон, суҳбат — топқир, ёзиш одати эса — интизомли қилади.

♦ Ҳалол ва инсофли одам, агар унинг ўзи, аввал ёвузликнинг барча яширин ва чуқур илдизларини ўрганмаса, бузуқ ҳамда ярамас одамларни ҳеч қачон ва ҳеч қанақасига тўғрилай ҳамда қайта тарбиялай олмайди. Ахир, бузуқ ва виждонсиз кишилар шунга астойдил ишонадиларки, ҳалоллик ва инсофлилик фақат одамларнинг қандайдир тажрибасизликлари ва анойиликларидан ҳамда уларнинг турли ваъзхон ва панд-насиҳатчиларга ишонишлари туфайлигина мавжуддирлар.

♦ Одамнинг табиатида бошқаларни севишга яширин мойиллик ва интилиш мавжуд...

♦ Кўплар, ўз бойликлари эвазига ҳамма нарсани сотиб олишимиз мумкин, деб ўйлаб, авваламбор, ўзларини сотганлар.

♦ Ҳар қандай мажбурий чора ёмонликни келтириб чиқаради.

♦ Ҳайвонларнинг умрбоқийлиги — наслда, инсонники бўлса — машҳурликда, хизматларда ва ишларда.

♦ Одамларнинг нопок виждонига тил теккизмоқ жуда хавфли...

♦ Адолатсизликнинг учта манбаи мавжуд: зулмнинг ўзи, қонун номи билан ниқобланган, ёмон ниятдаги ҳийла ва қонунни ўзининг шафқатсизлиги.

♦ Ким, ихтилофларнинг сабабларини муҳокама этмасдан, тинчлик ўрнатишга уринса, у, кўпроқ, одамларни, уларни чинакам ва адолатли битимга келтиришдан кўра, келишувнинг тотли истиқболи билан алдайди.

♦ Урушнинг барча сабаблари орасида, халқ унинг зулми остида ҳолдан тойган ва азоб-уқубат чекаётган, золимона ҳукмронликни ағдариб ташлаш истаги энг кўп мақулланишга лойиқ.

♦ Ҳеч нимани хоҳламайдиган ва ҳамма нарсадан хавфсирайдиган киши ғарибдир; ахир, ҳокими мутлақларнинг одатдаги қисмати худди шундай-да.

♦ Чумолининг ўзи — оқил мавжудот, бироқ, боғда ёки томорқада у зарарли. Ҳаддан ташқари нафсониятли одамлар ҳам жамиятга худди шундай зарар келтирадилар. Нафсоният ва ижтимоий бурч ўртасидаги оқил оралиқни танла...

♦ Шубҳасиз, жамиятга энг кўп фойда келтирган энг яхши ташаббуслар уйланмаган ва бефарзанд одамлардан чиққан...

♦ Юзаки фалсафа инсон ақлини даҳрийликка оғдиради, фалсафанинг теранликлари бўлса, одамларнинг ақлини динга йўналтиради.

♦ Жиндак гўл бўлиш ва ўта виждонли бўлмасликка қараганда омадлироқ иккита хусусиятнинг бўлиши мумкин эмас.

♦ Пул — худди гўнг каби: агар сочиб юборилмаса, ундан наф кам бўлади.

♦ Гўзал чеҳра — товушсиз тавсиядир.

♦ Миллатнинг даҳоси, ақл-заковати ва руҳи унинг мақолларида кўринади.

♦ Ўғирлаш имконияти ўғрини яратади.

♦ Дўстим ўзини, мендан кўра, кўпроқ яхши кўрса, моҳиятан, бунинг нимаси ёмон?

♦ Дўстлар — вақт ўғрилари.

♦ Инсон, чиндан ҳам маймунга ўхшайди: у қанча юқорига чиқса, ўз орқасини шунча кўп кўрсатади.

♦ Ҳар қандай, ёлғизликни яхши кўрувчи, кимса, ё — ваҳший ҳайвон, ё — Тангри таоло.

♦ Толе бетоқатларга беҳад кўп нарсаларни сотади, шуларни у сабрлиларга тортиқ қилади.

♦ Сукут — тентакларнинг саховати.

♦ Учта нарса миллатни буюк ва фаровон қилади: серҳосил тупроқ, фаол саноат ва одамлар ҳамда савдо-сотиқ молларини жойдан-жойга силжишининг осонлиги.

♦ Сир сақлай олувчи кўп эътирофларни эшитади; зеро, оғзи бўш ва ғийбатчи одамга ким ҳам дилидагини очиқ айтарди.

♦ Ким ўз ишинигина билса, ҳасад учун кам озуқа топади.

♦ Дамдузлик — заифларнинг бошпанаси.

♦ Уятдан қизариш — фазилатлар тимсоли.

♦ Дўстлик қувончларни икки баробарга кўпайтиради ва қайғуларни яримга қисқартиради.

♦ Ким ўзига қийин вазифани қўйишга қодир кишилар орасида фахрий ўринни эгаллашга интилса, бу жамият учун ҳамиша яхши; кимда-ким югурдаклар ичида ягона сиймо бўлишни ният қилса, у ўз даври учун шарманда кишидир.

♦ Оилавий манфаатлар, деярли ҳамиша, ижтимоий манфаатларни нобуд қиладилар.

♦ Фарзандлар меҳнатга қувонч бахш этадилар, аммо, муваффақиятсизликлар, улар боис, дилни оғритадиганроқ бўлиб туюладилар; фарзандлар туфайли ҳаёт ёқимлироқ, ўлим эса — қўрқинчсизроқ бўлиб туюлади.

♦ Ўтмишдошингнинг хотирасига адолатли ва ҳурматли бўл, зеро, акс ҳолда, ушбу қарзни, балким, сендан кейин қайтарадилар.

♦ Эркак киши унинг қандай гапираётганини эшитаётган ҳар бир аёлга, аллақачон, ярим-ёрти ошиқдир.

♦ Умид — яхши нонушта, аммо, кечқурун учун ёмон овқат.

♦ Бидъатлардан қутулишга уриниш — бидъат.

♦ Муқаддас Китоб бизга душманларни кечиришни амр қилади, аммо, унда дўстлар ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

♦ Ақлли одам имкониятларни, топишга қараганда, кўпроқ яратади.

■ Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ШЕЪР ВА ШУУР

УМР ЎТАЯПТИ

Умр — сўнгсиз сўқмоқ. Қанча йўл босдим,
Дўстлар билан бирга орттирдим душман.
Ёғий бўлиб чиқди деганлар дўстман,
Мақтовдан семирдим, мақтовдан оздим.

Юракда чандиқлар кўпайди, чунон,
Дардларим гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон бўлди.
Кимдир кўнглим олди. Ким камрон бўлди,
Кимлардир қалбимни айлади чаман.

Йиқитди бирови ташлаган тузоқ,
Дилимда зилзила маломатлардан.
Одамзот феълини ўйладим узоқ,
Ақлим гаранг бўлди аломатлардан.

Қаранг, одамият кароматларин,
Чумолича меҳр йўқдир бирида.
Бирининг тоғ қадар саховатлари,
Сўзлардан заҳарли ўқдир бирида.

Оллоҳ, нега келдим бундай яқунга?
Ҳануз тополмадим боши, сўнгини.
Гоҳ шодликка,
гоҳи тўла қалб ҳунга.
Бир қоқиб кияркан дўппи чангини,
«Нега?»
Ҳайқирвордим.
Топдим даъфатан.
Қадим фалсафанинг жайдар, мардини.
... Шеърим!

Дунё кезиб,
қалбларни кезиб,
ўтибману минг-минг дарёни кечиб,
Лек дўст тополмабман сендек бағри кенг.

* * *

Умр ўтаяпти.
Кўп туҳфалари.
Кўнгил тўлмас,
қийналаман гоҳ.
Унинг чала, бўш саҳфаларин
ожиз сатрларим тўлдирарми, оҳ.
Ўтган йиллар оғир.
Енгилдир хирмон.
Бу эса юракка беради зарблар,
Зарб кетидан зарблар,
бешафқат зарблар.
Тобора каттариб боради армон:
«Умр ўтаяпти.
Бўш саҳфаларин
Ожиз сатрларим тўлдирарми, оҳ...»

■ Исмоил ТЎЛАК

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Маълумки, шу йил 29 сентябрь — 13 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Қитъа олимпиадаси деб ном олган мазкур мусобақанинг футбол баҳсларида иштирок этадиган терма жамоаларнинг қайси гуруҳда, кимларга қарши майдонга чиқишлари аниқ бўлди. Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси «D» гуруҳидан жой олди. Бу гуруҳда вакилларимиз Баҳрайн, Иордания ҳамда яқиндагина поёнига етган XVII жаҳон чемпионати мезбонларидан бири Япония футболчилари билан ўзаро баҳс юритишади.

■ Эркин ХОЛБОБО

ЯШАНГ, ОТАХОН!

САКСОН ИККИ ЁШЛИ АМИР БОБО ҚАРИГАНДА ЧОПОҒОН БЎЛДИ, ҚУША-ҚУША СОВРИНЛАР СОҲИБИГА АЙЛАНДИ

Нуробод туманининг Қўйбоқар қишлоғида Амир бобо Иноятовни ҳамма «чопоғон ота» деб тилга олишади. Бобо бир умр чўпонлик қилди. Ёшлиги яйловларда, тоғ-тошли дараларда қўй-қўзилар ортидан ўтди. Кейинчалик олис қишлоқларга электр энергияси келгач, монтёрлик ҳунарини ҳам эгаллади. Ҳамқишлоқлари хонадонига нур олиб келишда баҳоли-қудрат ҳисса қўшди. Нафақага чиққач, Нурободдаги футбол ўйингоҳига боғбон бўлиб ишга кирди. Ўйингоҳ атрофини ораста қилиш, дов-дарахтлар экиш билан бирга спортчилар машқини кузатиб борди.

— Бир куни уларнинг югураётганини кўриб, гапнинг рости, ҳавас қилдим, — ҳикоя қилади ота. — Югургим келди. Олдинига уялдим. «Неварали одам ёшлар орасида нима қилиб юрибди?» — деб кулишлари мумкин эди-да. Кейинкейин андишани йиғиштириб, кўнглим айтганини қилдим. Айримлар масхара ҳам қилишгандек бўлди. Мен эса «Бўпти, масхарабозликни ҳали сенларга кўрсатиб қўяман»... дедиму ўзбекона ғурур билан машққа жиддий киришдим. Олдинига аъзои-баданим оғриди, сўнгра югурмасам туролмайдиган бўлиб қолдим...

Паст бўйли, чайир ва абжир оқсоқол бориб-бориб чиндан ҳам ўзи ваъда қилгандек, «кўрсатиб» қўйди! Уни Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Урганч, Термиз ва қўшни мамлакатларда ўтказилган мусобақаларга таклиф қилишди. Бобо уларнинг кўпидан соврин билан қайтди.

— Ҳаётни севишда ва эртанги кунга умид билан яшашда гап кўп, — таъкидлайди у. — Энг муҳими, ичкиликбозлик, кашандалик, маишат, танбаллик ва лоқайдликка берилмаслик керак. Буларнинг ҳаммаси кишини тез қаритади, ноумид қилади. Мана, йигирма йилдирки, спортчиман...

Беш фарзанд, 25 нафар невара, 2 нафар чеварали ота ўтган йиллар мобайнида кўрмаганларини кўрди: шаҳарлар, мусобақалар, совринлар, мақтов, иззат-ҳурмат...

Яшанг, отахон!

■ Мирза ЮНУСОВ

Бухоро зардўзлик санъати етти иқлимга машҳур

INTER-SPORT

УЗР СЎРАБ ҚЎЯ ҚОЛДИ

Аргентиналик тўпурар Клаудио Лопес ноқулай аҳволда қолди. Боиси, у мамлакат миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги омадсиз иштироки ҳақида жамоадоши Габриэл Батистута билан баҳслашган эди. Бундан хабар топган мухбирлар газета-телевидениеда шов-шув кўтаришди. Охири Лопес: «Мен Батистутани айбламоқчи эмасман, жамоамизнинг жаҳон кубоги учун курашдаги омадсизлиги ҳаммамиз учун тегишли» деб узр сўради.

ЭНДИ БЎШ КЕЛМАЙДИ

Японялик ярим ҳимоячи Юнити Иномото ўз ўрнини «Арсенал»да сақлаб қололмади. Лекин, у «Фулҳэм» клуби билан шартнома тузди ва Англия чемпионатида «Арсенал»дан «алам» олиш имкониятига эга бўлди. Қизиғи шундаки, ўтган мавсумда Иномото «Арсенал»да ўйнаб бирорта ҳам тўп киритмаган эди.

РИОНИНГ «НАРХИ»НИ ОШИРИБ

«Лидса» клуби президенти Питер Ридсдейл моҳир футболчи Рио Фердинанднинг ойлик маошини оширмоқчи эканини маълум қилди. Боиси, бу футболчига «Манчестер Юнайтед» клуби даъвогарлик қилиб, 52 миллион доллардан ҳақ тўлаши мумкинлигини айтган. Питер эса: «Риога шундоқ ҳам етарлича маош тўланяпти» деган фикрда.

ГАЗЗАЕВ ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛМОҚЧИ

Россия футбол терма жамоасининг янги устози Валерий Газзаев жамоа таркибини ҳар жиҳатдан янгилашга аҳд қилди. У 6 августда терма жамоага номзод қилиб олинганлар таркибини эълон қилмоқчи. Мураббий Россия футболчилари ўйинида нафақат таркибий, балки тактик ўзгаришлар ҳам қилиш ниятида. Унинг фикрича: «Терма жамоага келган ҳар бир футболчи ўз мамлакати учун фахр-ифтихор туйғусини қалбига туйиши керак».

«ОЛТИН ТЎП» БАҲОСИ

Навбатдаги жаҳон чемпионатида «Олтин тўп» совринини қўлга киритган германиялик Оливер Кан ўз мукофотини рамзий пуллашда Дэвид Бекхэмга тенглашолмади. Боиси, инглиз футболчиси имзо чеккан платина тўпининг бир парчасини кимошди савдосига қўйиб Токиода 3 миллион иен (24 460 доллар) ҳисобида баҳоланишига эришди. Бу Кан совринининг баҳосидан 700 минг иен қиммат эди. Бу борада Зайниддин Зидан учинчи бўлди. Унинг 2,5 килограммлик тўпининг имзоланган нусхасининг 32 бўлагидан бири 1,5 миллион иен ҳисобида нархланди.

Газетанинг шу йил 9 июль сонида чоп этилган «Қарорга зид рухсатномалар» номли мақолада Тошкент шаҳар Сирғали тумани ҳокимлиги томонидан фуқаро Ғофур Эрназаровга вино-арақ билан савдо қилишга рухсатнома берилган, деб нотўғри далил келтирилган.

Ушбу ахборот расмий идорадан олинган эди. Амалдаги қонунга кўра, таҳририят бунга жавобгар эмас. Шундай бўлса-да, йўл қўйилган англашилмовчилик учун узр сўраймиз.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни маъмурияти ва концерн кенгаши Сирдарё вилоят «Йўл-лойиҳа» экспедицияси бошлиғи

Адҳам ТОЖИБОЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мухтарам юртдошлар!
Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2002 йилнинг 10 июлидан янги «Тадбиркор» — қисқа муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 30 кун муддатга қабул қилиниб,
– 200 000 сўмгача йиллик 28,0 фоиз
– 200 001 сўмдан 500 000 сўмгача йиллик 30,0 фоиз
– 500 001 сўмдан ортиқ бўлган пул маблағларига йиллик 34,0 фоиз миқдорида даромад тўланади.
«Тадбиркор» омонатига пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

АҲОЛИ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ — STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK — BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ – АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA